
Олтиариқлик волейболчи аёллар жамоаси Республикада тенгсиз!

Навоий шаҳрида "Беш ташаббус олимпиядаси" мусобақасининг волейбол спорт тури буйича 22-26 ёшли аёллар ўртасидаги Республика босқичи якунига етди. Фарғона вилояти босқичида тенгсиз деб топилган Олтиариқ туман Зилол МФЙ аёллар жамоаси мусобақанинг Республика босқичида фаол иштирок этиб, барча рақибларини мағлубиятга учратдилар. Финал босқичида мезбон жамоа Навоийга ҳам ҳеч қандай имконият қолдирмаган Олтиариқлик аёлларимиз Республикада фахрли 1-ўринни эгаллашиб, 368 000 000 сўмлик Универсал спорт майдонини қуриш учун сертификатни қўлга киритдилар. Энди туманимизда яна бир спорт майдони қурилади. Ушбу қуриладиган спорт майдони келажакда ёшларимиз орасидан Жаҳон чемпионларини тарбиялашган хизмат қилишига ишонамиз. Бу улкан ютуқ билан спортчи аёлларимизни ва уларнинг мураббийларини муборакбод этамиз.

2022-12-01 15:08:32